

УДК: 638.141.36.

**КЎЧГА ЧИҚАН АСАЛАРИЛАР ТАРКИБИДА  
ЭРКАК АСАЛАРИЛАР СОНИ**

**Жўраева Дилдора Рустамовна<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Чорвачиликни инновацион бошқариш бўлими бошлиғи  
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти  
E-mail: dildora-rustamovnaabk@mail.ru

**ИНФОРМАЦИЯ  
О СТАТЬЕ**

**АННОТАЦИЯ:**

**ИСТОРИЯ  
СТАТЬИ:**

Received: 27.03.2025

Revised: 28.03.2025

Accepted: 29.03.2025

В статье приводятся данные о количестве трутней вышедшей с первым и вторым пчелиным роем. Даются рекомендации по использованию пчелиного роя для пополнения пчелосемей на пасеке, а также в опылении цветков различных видов сельскохозяйственных культур.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:**

трутень, матка,  
клеточка, роевня,  
корреляция,  
коэффициент, первый  
рой, второй рой.

**КИРИШ.** Асалари оиласига бир назар ташласангиз, оилада эркак асалари ҳам она асаларидек, оилада наслнинг соф тозалигини давом эттиришда катта мавқега эга. (2) Худди шундай оиладан ажралиб чиққан асалари кўчи ҳам, эркак асалариларга жуда муҳтождир. Кўч асаларилар билан чиққан ёш уруғланмаган она асаларини уруғлантириш учун ҳам эркак асаларилар сони катта аҳамиятга эга бўлади. (3) Чунки асаларилар таркибида кўп миқдорда эркак асалариларнинг бўлиши, бу ёш она асаларини тез ва сифатли уруғланишига кенг имкониятлар яратади. (1.4)



**1-расм. Асалариларнинг кўч ажратиши.**



**2-расм. Асаларини гулчанг йиғиши.**

Кўп йиллик кузатувларимиздан бизлар шунга амин бўлдикки, ҳар сафар учиб чиққан кўч асалариларни ушлаб олганимизда, кўч асаларилар таркибида эркак асаларилар сони, анча миқдорда кўп бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Шуларни ҳисобга олиб, 2024 йил май ва июнь ойларида Тошкент вилояти, Қибрай тумани “Ғуломхўжа” асаларичилик фермер хўжалигига қарашли бўлган 150 та асалари оилаларидан ажралиб чиққан кўч асаларилар таркибида эркак асаларилар сонини аниқлаб олишда тадқиқот ишлари ўтказилди.

2024 йилги баҳор фасли бошланиши билан гулчанг ва гулшира берувчи ўсимликлар гуллаши натижасида, асалари оиласи тез ривожланди ва май ойида ҳам кўп миқдорда кўч асаларилар ажралиб чиқишига шароит яратилди.

Дарахт шохларига учиб чиққан кўч асаларилар, махсус кўч ушлагич асбоблари орқали дарахт шохларидан қоқиб олинди. Айрим кўч асаларилар эса дарахт шохининг ўзагига ўрнашиб қолганлиги учун, уларни олиш анча қийин бўлди. Лекин, барибир уларнинг ҳаммаси тўплаб олинди. Олинган кўч асаларилар вазнини билиш мақсадида, уларни аниқ ўлчайдиган махсус тарозиларда ўлчаб олинди ва дала журналига қайд этиб борилди.

Кўч асаларилар таркибида эркак асаларилар сонини аниқлаш мақсадида, майда кўзли симтўрлардан ясалган, махсус қутилардан фойдаландик. Бундай симтўр қутилардан фақатгина ишчи асаларилар ўтиб қолсада, лекин унинг тешиқларидан она ва эркак асаларилар ўтаолмайди.

Ушлаб олинган кўч асаларилари симтўрли қутиларга олиб солинди ва улар янги асалари пакетлари ташкил этиш мақсадида фойдаланилди. Натижада 2024 йилда фермер хўжалиги бўйича 100 дона асалари пакетлари сотилди. Симтўр қутиларига солинган кўч асаларилар симтўр тешиқларидан ўтиб, пакет қутисига тўлиғича тушиб бўлгандан сўнг, уларга 2 та бўш рамка, 1 та мумпардали рамка ва 1 та озиқаси бор рамкалар берилди. Симтўр тешиқларидан ўтмай қолган она асаларини олиб, кафасчага солинди ва улар пакетдаги асалариларга қайтариб берилди. Шу даврда бир неча дона эркак асаларилар учиб чиқишга ҳам улгурди.

Симтўр қутида қолган эркак асаларилар эса кўчма павильондаги махсус қоронғулаштирилган хонага киритилиб, унинг қопқоғи олинди ва эркак асалариларни учиб чиқишига шароит яратилди. Шу даврда дераза ойнасидаги ёруғликка интилган эркак асалариларни санаш жуда осон бўлиб, улар ойнага ёпишган ҳолда бўлганлиги учун, эркак асалариларни санаш ишлари осон кечди.

2024 йил май ойида асалари оиласидан кўп миқдорда биринчи кўч асаларилар ажралиб чиқди. Айрим асалари оилалари эса, иккинчи кўч ажратиб чиқишига ҳам улгурди.

Қуйидаги жадвалда май ва июнь ойларида ажралиб чиққан биринчи ва иккинчи кўч асаларилар вазни ва кўчдаги эркак асаларилар сони тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**1-Жадвал. Кўч асалари таркибида эркак асаларилар сони**

№	Кўч асалари номи	n	Ўртача кўч вазни, кг,	lim	M±m	Cv, %
<b>Май</b>						
1	Биринчи асалари кўчи	10	1,7	32-74	58,5±3,88	7,77
2	Иккинчи асалари кўчи	10	1,4	46-81	74,5±4,95	9,19
<b>Июнь</b>						
1	Биринчи асалари кўчи	10	1,5	49-87	81,5±3,88	7,77
2	Иккинчи асалари кўчи	10	1,2	51-83	76,5±4,59	9,19

Жадвал малумотларидан кўринаяптики, май ойида учиб чиққан биринчи кўч асаларилар вазни ўртача 1,7 кг ни ташкил этган бўлса, улардаги эркак асаларилар сони 58,5±3,88 донани ташкил этган. Май ойида иккинчи кўч асаларилар вазни 1,4 кг ни ташкил этган бўлса, ундаги эркак асаларилар сони эса 74,5±4,59 донани ташкил этганлиги аниқланди. Ёки эркак асаларилар сони биринчи кўчдагига нисбатан иккинчи кўчда 23 донага ёки 39,3 % га кўп бўлган. Бу статистик ишончли бўлиб, ўзгарувчанлик коэффиценти 7,77 % ни ташкил этмоқда.

Худди шундай июнь ойида иккинчи кўч асаларилари билан ажралиб чиққан асаларилар вазни 1,5 кг ни ташкил этган бўлсада, ажралиб чиққан иккинчи кўч асаларилар вазни эса 1,2 кг ни ёки 80,0 м % ни ташкил этган, улардаги эркак асаларилар сони 81,5-71,5 донани ташкил этганлиги ёки 87,6 % га кам бўлганлиги аниқланди. Бу эса май ойида ажралиб чиққан кўч асаларилар таркибидаги эркак асаларилар сонига нисбатан, июнь ойида 23,0 донага ёки 39,5 % га кўпдир. Ўтказилган тадқиқотларда, май ойидаги биринчи асалари кўчининг бирида энг кўп 74,5 та ва иккинчи асалари кўчига эса 76,5 дона эркак асаларилар эргашиб чиқган ёки бу умумий кўч асаларилар сонига нисбатан 102,7 % ни ва иккинчи кўчда эса 107,9 % ни ташкил этмоқда.

Тадқиқотлардаги кўч асаларилар таркибидаги эркак асаларилар сони бу айрим ойларда (июнь ойида) эркак асаларилар сонини анча кўп бўлиши ва кўч ажралиб чиқиш даврларига, уларнинг сонига боғлиқ эканлигидан далолат беради.

Бизнингча июнь ойида ажралиб чиққан кўч асалари таркибида май ойига нисбатан эркак асаларилар сони ҳар доим ҳам кўп бўлган, чунки июнь ойига келиб асалари оиласида ишсиз эркак асаларилар сони кўп етишиб чиққанлиги эътиборлидир. Шунинг учун ҳам, кўчдаги эркак асаларилар сони ҳар доим ҳам кўп бўлган (2,20 %).

Худди шундай, ҳар иккала ойларда ажралиб чиққан иккинчи кўч асаларилар таркибида ҳам эркак асаларилар сонини кўп бўлиши кузатилди (1,47). Чунки иккинчи кўч ажралиб чиққан даврда ёш ишчи асаларилар сони анча камайиб қолган бўлиб, бу даврда эркак асаларилар иккинчи кўч билан кўпроқ чиқган.

Шунингдек, кўч асаларилар вазни билан ундаги эркак асаларилар сони ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди. Асаларичиликда тадқиқот ўтказиш жараёнида об-ҳаво шароитини яхши ва қулай келиши муҳим аҳамиятга эга. Баҳорнинг иссиқ бўлиши, гоҳида баҳор ёмғири ёғиши ва қуёшнинг чарақлаб чиқиши, ўсимликларни ўсишига қулай шароит яратди. Бу эса шира берувчи ўсимликларни тез ривожланишига ва гуллашига яхши имкониятлар яратди. Бугдойзор ерлар атрофида кўплаб сурепка (ёввой шолғомча), бўтакўз, читир, окбош, какра, жийда ва бошқа кўплаб мевали дарахтлар ҳамда майда гулли ўсимликлар, асалари оиласини ривожланишига қулай шароит яратди.

2024 йилдаги кўч асалари таркибидаги эркак асаларилар сонини кўп бўлиши, (58,5-81,5 дона) бу учиб чиққан кўч асаларилардаги уруғланмаган она асаларини уруғлантириш учун (8-12 та гача) эркак асаларилар сонини етарлича бўлишига имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, учиб чиққан кўч асаларилар таркибида эркак асаларилар сони май ойида 58,5 донани ва умумий асаларилар сонига нисбатан 2,20 % ни ташкил этган, уларни кейинги ойларда кўпайиб кетиши, бу кўч ажралиб чиқишини билдирувчи омил бўлиб кўч чиқиш даврларига боғлиқ эканлигидан далолат беради. Шунингдек, ажралиб чиққан кўч асаларилар кучидан унумли фойдаланиб, асаларизорда янги асалари оилаларини кўпайтириш билан бирга, кўплаб қишлоқ хўжалик экинлари гулини четдан чанглашиб, уларнинг ҳосилдорлигини бир мунча ошириш имкониятлари яратилади.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Рыбальченко А.Н. Загадка пчелиного роя Минск, «Ураджай» 1982.
2. Таранов Г.Ф. Анатомия и физиология медоносных пчел. Москва, 1986.
3. Тряско В.В. Некоторые вопросы биологии и размножения пчел. ж. Пчеловодство, 1989, №9.
4. Тўраев О., Қаюмов Э., Ниязов Ш. Асалари кўчи, кўпайишнинг яна бир усули. “Фермер” журнали, 2018, №5, 46-48 бетлар.